


## Отадан сўнг унинг ака-укаларини эъзозлаш



11:06 / 14.01.2020 3124

Отаси вафот этганидан кейин мусулмон фарзанд отасининг ака-укаларини худди отасини эъзозлагандек эъзозлаши, уларни ота ўрнида кўриши лозимлиги шариатимизнинг кўрсатмасидир. Бу ҳақда келган шариат таълимотлари Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларида ва улуғларимизнинг сўзларида ўз ифодасини топган.

سَابَّ عِلَّةَ قَدَّصِي فَمَلَكَتْ دَقْنَاكَ وَرَمُعَلِّ لَأَقِي بِنَا نَأْ: هُنَّ عِلَّةُ لِي ضَرِّي لَعْنَتِي  
لُجْرَلَا مَعْنَاو، هِلَلَا لُؤْسَرُ مَعْنَا سَابَّ عِلَّةَا: «هِيَ أَوْرِي فَو». «هِيَ أَبَا وَنَصْرَلَا مَعْنَا»  
«هِيَ أَبَا وَنَصْرَمُ وَأَهْيَبَا وَنَصْرَمُ».

Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Умар Аббоснинг садақаси ҳақида гапирган эди, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Кешининг амакиси отаси кабидир», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Аббос Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакисидир. Кешининг амакиси эса отаси кабидир ёки отасининг аслидандир», дейилган.

Амаки ота ўрнида бўлиши қадимдан мавжуд бўлган тушунчадир. Ислom дини эса қариндошчилик алоқаларининг яхши бўлишига қанчалик катта аҳамият бергани маълум ва машҳур. Албатта, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиларига бўлган олиймақом муносабатлари иймон ва Ислom асосида бўлиши ҳам маълум ва машҳур.

لَصَيِّفٍ وَوَمَدَّعَبُ هَابَأَلَصَيِّفِ نَأَدَارَأَمَ :بِاطْخُجَلَأَنبُرْمَعَلَأَق :لَأَقْدَتَبَأَثَنَع  
يَزَوْرَمُجَلَأَنبُرْمَعَلَأَهَأَوْر .هُنَأُوْخِإ

Собитдан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттоб: «Ким отасига ўлимидан кейин силаи раҳм қилмоқчи бўлса, унинг ака-укаларига силаи раҳм қилсин», деди».

Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.

Ота вафот этиб кетди. Бола ўтиб кетган отасига силаи раҳм қилмоқчи. Агар у отасининг ака-укаларига – амакиларига ният билан яхшилик қилса, худди отасига яхшилик қилгандек бўлади. Чунки одатда амакилар доимо жиянлардан катта бўладилар.

Зотан, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Отаси йўқнинг отаси амакисидир», деганлар.

Демак, ота йўқ пайтида амаки отанинг ўрнига қолади. Шунинг учун амакиларни эҳтиром қилиш, уларнинг дуосини олиш, уларга яхшилик, эҳсон ва силаи раҳм қилиш худди отага қилган яхшиликлар ўрнига ўтар экан.

يَفُ هَابَأَلَصَيِّفِ نَأَبَحَأَمَ :لَأَقْدَبِاطْخُجَلَأَنبُرْمَعَلَأَنَأَنَعَلَب :لَأَقْدَيِّنَأَنبُلِبَلِبَأَثَنَع  
يَوْعَبُجَلَأَوْنَأَبِحُنْبَأَهَأَوْر .هُدَّعَب\_هَيَبَأَنَأُوْخِإَلَصَيِّفٍ وَرَبَق

Собит Бунанийдан ривоят қилинади:

«Бизга Умар ибн Хаттобнинг «Ким отаси қабрдалигида силаи раҳм қилишни истаса, отасининг ака-укаларига силаи раҳм қилсин», дегани етган».

Ибн Ҳиббон ва Бағавий ривоят қилишган.

Қаранг, ота-она дунёдан ўтиб кетгандан кейин ҳам фарзандларда уларнинг ҳақлари қолар экан. Фарзанд қабрида ётган отасига ҳам яхшилик қилиши мумкин бўлиб, бунинг учун у отасининг ака-укаларига яхшилик қилиши етарли экан.

***«Кексаларни эъзозлаш» китобидан***